

Сабрнинг фойдалари



21:10 / 21.04.2019 5590

1. Сабр оғир вазиятларда нафсни тутишга ёрдам беради.
2. Сабр моддий ва маънавий талабларни амалга оширишда шошилишга ва қўполликнинг олдини олишга ёрдам беради.
3. Сабр ғазабни қўзғайдиган нарсалар содир бўлганда ўзини тутиб олишга ёрдам беради.
4. Сабр хавф туғилганда ўзини ўнглаб олишга ёрдам беради.
5. Сабр тамагирлик қўзғайдиган вазиятларда ўзини ўнглаб олишда асқотади.
6. Сабр моддий ва маънавий яхшиликларга эришиш йўлидаги жисмоний ва рухий аламларга чидашда ёрдам беради.

7. Сабр иймон баркамоллиги ва Ислом гўзаллиги далилидир.
8. Сабр қалбда ҳидоят ҳосил қилишга ёрдам беради.
9. Сабрнинг самараси Аллоҳ таолонинг ва одамларнинг муҳаббатидир.
10. Сабр ер юзида тамкин топиш сабабчисидир.
11. Сабр жаннатга эришиш ва дўзахдан қутулишдир.
12. Сабр Аллоҳ таоло билан бирга бўлишдир.
13. Сабр қиёмат кундаги катта қўрқинчдан омонликдир.
14. Сабр мардлик ва яхши оқибатнинг аломатидир.
15. Сабр Аллоҳ таолонинг раҳмати ва баракотидир.

Сабрнинг турли исмлари

Сабр икки хил бўлади:

Биринчиси – баданий сабр.

Бунда қийинчиликларга бадан ила чидалади.

У феълий, яъни амалий бўлиши мумкин. Мисол учун, оғир ва машаққатли ишларни ва ибодатларни чидам ҳамда сабот билан адо этиш.

Яна баданига етган оғирликни кўтариш билан ҳам бўлади. Мисол учун, калтакка, оғир беморликка ёки жароҳатга чидаш.

Мазкур турдаги сабр шариатга мувофиқ бўлса, мақталган иш бўлади.

Иккинчиси – маънавий сабр.

Бунда табиати тортган ва ҳавойи нафс иштаҳа қилган нарсаларга сабр қилинади. Мана шу сабр энг кучлисидир.

Худди шу сабр ўзи боғлиқ бўлган нарсага қараб, турли исмлар билан аталади:

Агар қорин ва фарж шаҳватига сабр қилиш бўлса, «иффат» деб номланади.

Агар дод-вой қилмасдан мусибатга чидаш бўлса, «сабр» дейилади.

Агар бойликни кўтариш бўлса, «ўзини тутиб олиш» дейилади.

Агар замон қийинчилигига инжиқлик қилмаслик бўлса, «бағрикенглик» дейилади.

Агар маишатпарастликдан юз ўгириш бўлса, «зуҳд» дейилади.

Агар оз насибага сабр қилиш бўлса, «қаноат» дейилади.

Сабрнинг қисмлари

Баъзи орифлар сабрнинг мақоми учтадир, дейдилар:

Биринчи мақом шаҳватни тарк қилишдан иборат бўлиб, уни «тавба қилувчилар даражаси» дейилади.

Иккинчи мақом тақдир қилинган нарсага рози бўлишдан иборат бўлиб, уни «зоҳидлар даражаси» дейилади.

Учинчи мақом Роббнинг раво кўрган нарсасига муҳаббат қилишдан иборат бўлиб, уни «сиддиқлар даражаси» дейилади.

Сабр ҳукм жиҳатидан ҳам бир неча қисмга бўлинади:

1. Фарз.

Шариатда ҳаром ва ман қилинган нарсаларга сабр қилиш фарздир.

2. Нафл.

Макруҳ – ёқимсиз нарсаларга сабр қилиш нафлдир.

3. Ҳаром.

Шариат ман этган сабрни қилиш ҳаромдир.

Мисол учун, бир кишининг қўлини бошқаси зулм қилиб кесса, унинг сабр қилиб туриши ҳаромдир. Балки ўзини ҳимоя қилиши фарздир.

Шунингдек, маҳрам аёлларига тажовуз қилганларга рашк қилмай, сабр этиб туриш ҳам ҳаром.

4. Макруҳ.

Шариат макруҳ санаган томондан етган озорга сабр қилиб туриш макруҳдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, сабрнинг ўлчови шариатга мувофиқ бўлиши керак.

Сабрнинг даражалари:

- Авомнинг даражаси: Қалбни тоатларни қилишга ва гуноҳлардан қайтишга тутиб туриш.
- Хосларнинг даражаси: Нафсни риёзот ва мужаҳадотларда ушлаш, ҳолларнинг йўлида қийинчиликларга солиш ва пардани кўтаришга ҳаракат қилиш.
- Хосларнинг хосининг даражаси: Рухни мушоҳада ва муояна ҳузурида тутиш.

«Рухий тарбия» китобидан